

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING

QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 6.3/11 - II

2020 yil "3" 11 oylb

**“Фахрий мураббий” орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича
Учтепа туман танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Ж.Артикходжаевнинг
2020 йил 18 июндаги “Фахрий мураббий” ордени билан мукофотлашга
номзодларни танлаб олиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш
механизмини жорий этиш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ижро учун қабул қилинсин.

2. “Фахрий мураббий” орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича Учтепа
туман танлов комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари

С. Имамов

Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг
2020 йил 3-июлдаги 11 сессиясининг
644-11 - сонли қарорига илова

"Фахрий мураббий" орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича Учтепа
туман танлов комиссияси

ТАРКИБИ

- | | | | |
|----|--------------------------------------|---|--|
| 1. | Асатов Зикрулла
Исмаатович | - | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиқ ўринбосари-“ нуронийлар
жамоатчилиқ кенгаш” раиси (комиссия
раиси) |
| 2. | Нишонов Мансур
Отабекович | - | Учтепа туман мудофаа бўлими бошлиғи |
| 3. | Анваров Баходир
Бахтиярович | - | туман ички ишлар органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари |
| 4. | | - | Давлат хавфсизлик хизмати туман бўлими
бошлиғининг ўринбосари лавозим бўйича |
| 5. | Қурбонов Ўткир
Ибрагимович | - | туман халқ таълими бўлими бошлиғи |
| 6. | Азизов Ашрафхон
Муслимович | - | туман маданият бўлими бошлиғи |
| 7. | Азизов Мирмахмуд
Миршахидович | - | етакчи тадбиркор |
| 8. | Боймуродов Қувондик
Қутпитдинович | - | Учтепа туман бош имом-хатиби |
| 9. | Жўраев Сухроб Байрамович | - | Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси
(комиссия котиби). |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 64/II-Ў

2020 yil "3" июль

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини манзилли ва тизимли ташкил этилиши оқибатида туман аҳолиси бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф-сонли Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инobatга олган ҳолда, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ШТАБ тузилди. ШТАБ аъзолари ҳар бир секторга бириктирилиб, маҳаллалардаги оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда <http://saxovat.argos.uz/> электрон манзилига киритиш бўйича сектор котиблари билан фаолият олиб бормоқдалар.

Пандемия пайтида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Ҳомийлик ёрдамларини мувофиқлаштириш маркази томонидан тумандаги 8442 та оилага озиқ-овқат, 460 та оилага дори-дармонлар етказиб берилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларига асосан, ёрдамга муҳтож оилалар сони пандемия бошланганининг илк даврида жами 4 508 та (оила аъзолари сони 22 425 нафар)ни ташкил этиб, бугунги кунга келиб, 3 425 тамухтож оилаларнинг аъзолари ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди.

Ҳозирда муҳтож оилалар сони 1083 тани ташкил этмоқда. Коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга кўмаклашиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини манзилли ва тизимли ташкил этилиши оқибатида туман аҳолиси бандлигини таъминлаш ва


мухтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилиши тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 1,3 ва 4-секторларида Ёрдамга мухтож оилалар сони пандемия бошланганининг илк даврида жами 3437 тани ташкил этиб, бугунги кунга келиб, 1-секторда 664 та, 3-секторда 772 та ҳамда 4-секторда 873 та мухтож оилаларнинг аъзолари ишга жойлаштирилиб, бандлигини таъминлаш ва мухтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилганлиги 1-иловага ҳамда мухтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқазилмаган ишсиз, кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар сони 892 талиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Азимбаева) томонидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги олиб борилаётган ишлари янада кучайтирилсин.

4. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари



С. Имамов



№ 65/II-II

2020 yil "3" NOV

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини манзилли ва тизимли ташкил этилиши оқибатида туман аҳолиси бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилиши тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга кўмаклашиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Учтепа туман 2-сектор раҳбари А.Кораевнинг “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини манзилли ва тизимли ташкил этилиши оқибатида туман аҳолиси бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилиши тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Туман 2-секторда Ёрдамга муҳтож оилалар сони пандемия бошланганининг илк даврида жами 1071 тани ташкил этиб, бугунги кунга келиб, 874 тамуҳтож оилаларнинг аъзолари ишга жойлаштирилиб, бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқарилганлиги 1-иловага ҳамда муҳтож оилаларни камбағаллик рўйхатидан чиқазилмаган ишсиз, кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар сони 191 талиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Учтепа туман 2-сектор раҳбари (А.Кораев) томонидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги олиб борилаётган манзилли фаолияти янада кучайтирилсин.
4. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари

С. Имамов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 66/II - II

20 20 yil " 3 " iyul

Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасидан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига пул маблағларини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан ҳамда “Сардоба сув омбори” тўғонида сув тошиши оқибатида жабрланган фуқароларни қўллаб-қувватла ва инфратузилмани тиклашга кўмаклашиш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужановнинг Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасидан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун учун қабул қилинсин.

2. Тошкент оқибатида зарар кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда худудлари инфратузилмасини тиклашга кўмаклашиш билан боғлиқ харажатларни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамида йиғилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишига руҳсат берилгани инобатга олинсин.

3. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Учтепа туман бўлинмаси раиси в.в.б (Н.Азимов)га “Маҳалла” фонди Учтепа туман бўлинмаси ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамида йиғилган маблағлардан 200 (икки юз) млн. сўм пул маблағлари “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига “Сардоба сув омбори” тўғонида жабрланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб берилсин.

4. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ж.Каримов ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари



С.Имамов



№ 67/II - II

20 20 yil " 3 " июль

Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутати Саидов Бахтинур
Хамдамовичнинг депутатлик ваколатини муддатидан
илгари тугатиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3 моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 12-Журжоний сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутати Саидов Бахтинур Хамдамов вафот этганлиги сабабли депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (У.Сафаров)га маълумот учун юборилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси ўринбосари

С. Имамов



№ 62/11 - II

20 20 yil " 3 " 1910.16

Туман аҳолисини ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси
бўйича “Сувсоз” давлат унитар корхонаси томонидан олиб борилаётган
ишлар тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Сувсоз” давлат унитар корхонаси раҳбари А.Наимовнинг Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Сувсоз” давлат унитар корхонаси раҳбари (А.Наимов):

2.1. Тошкент шаҳрида ичимлик сув таъминоти ва оқава сув хизматларини янада такомиллаштириш, ичимлик сув йўқотилиши, электр энергия истеъмолини камайтириш, кадрларни тайёрлаш, истикболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали замонавий, ракамли бошқарув тизимларини жорий этишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан давом эттириш чоралари кўрилсин.

2.2. Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, суғориш ва ишлаб чиқариш мақсадида ичимлик сувидан фойдаланадиган тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар, ҳокимият ва мутасадди идоралар вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этиб борилсин.

2.3. Ичимлик суви ва оқава сув хизматлари учун тўловларни ўз вақтида йиғилиши, истеъмолчилардан дебитор қарздорликларни ундирилиши корхонанинг иқтисодий молиявий аҳволини яхшилаш чоралари кўрилсин.

3. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (М.Азизов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раиси ўринбосари

С. Имамов